




Ушбу сонда:

- 2 САНАЦИЯ БЕРГАН ИМКОНИАТ
- 3 TV ДАСТУРИ
- 4 ШИФОХОНА... ХОВЛИСИДА САНОАТ ШОХОБЧАСИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

26 декабр, шаҒба 1998 йил №144(645)



Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 24 декабрда Тошкентда иш бошлади.

Дармаж сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этмокда.

Мажлис залда Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлганлар.

Сессияни Олий Мажлис раиси Э.Ҳалилов бошқармокда.

Сессия иштирокчилари 114-Қорадарё сайлов округидан Олий Мажлис депутати И.Теннинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эсга олдилар.

Олий Мажлис сессияси ишчи органи - котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетни тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида молия вазири Р.Азимов маъруза қилди. Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А.Аҳадов шу масала юзасидан кўшимча маъруза қилди.

1999 йилги Давлат бюджетни лойиҳасини муҳокама қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши раиси А.Тожиев,

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ш.Норбобова, Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳокими К.Исроилов, Олмалик конметаллургия комбинатининг бош директори В.Сигидин, Ўзбекистон социал демократик «Адолат» партиясининг биринчи котиби, Тошкентдаги биринчи Давлат табиёт институти ректори Т.Даминов, Республика тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатасининг раиси М.Собиров, Дехқон ва фермер хўжалиқлари республика уюшмаси раиси А.Бобомирзаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сессия иштирокчилари ҳузурда сўзга чиқди. У келгуси йилги Давлат бюджетни лойиҳасининг мазмунини, бундан буён иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини кў-

пайтириш, халқ турмуши даражасини ошириш, кам таъминланган оилалар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш юзасидан қандай чора-тадбирлар қўзда тутилаётганини ҳар томонлама очиб берди. Президент солиқлар тизимини такомиллаштириш, бошқарув аппарати ва ички ишлар органларини сақлаб туришга харажатларни янада камайтириш, қуролли кучларни ислоҳ қилиш юзасидан қўзда тутилаётган чора-тадбирларга алоҳида тўхтади, бу тадбирлар бюджет маблағи анча тежалишини таъминлайди ва бу маблағ ишлаб чиқариш соҳасига ажратилади. Шунингдек, у бюджет ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетини тасдиқлади.

Кўнунчилик ва суд-ҳуқуқий масалалари бўйича парламент қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова депутатларга Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани ҳокими Ш.Алланазаров, Урганч курилиш коллежи директори И.Бойжонов, Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокими Р.Обидов, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Х.Эрматов нутқидан сўнг Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлади.

Олий Мажлисининг кечки йўналиши Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни Олий Мажлисининг Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиқ қўмитаси котиби Т.Усмонов депутатларга тақдим этди. Бу лойиҳани муҳокама қилишда Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров, «Ўзқоммунмаштаъминот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори О.Мансуров, Талимаржон ГРЭСи курилиш бошқармаси монтажчилари бригадирини В.Юлжалкин иштирок этди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда маъқулланди, уни умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилишга қарор қилинди.

Парламентнинг иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А.Йўлдошев Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси тўғри-

сида маъруза қилди. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик компанияси Фарғона бўлимининг бошлиғи М.Мирхамзаев, Хоразм вилояти Хонқа тумани ҳокими К.Ортиқов, Навоий шаҳри ҳокими Б.Ҳамдамов, Республика Бизнес-фонди бошқаруви раиси А.Осупов шу хужжат юзасидан сессия минбарига чиқиб, ўз фикрларини айтдилар. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилдилар.

Олий Мажлис Қўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоиловнинг Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Фарғона вилояти Тошлоқ тумани ҳокими С.Мирзаев, Самарқанд вилояти Пастдаргом тумани ҳокими Ш.Исанов, Наманган вилояти Усимликларни ҳимоя қилиш Мингбулоқ тумани инспекциясининг муdiri К.Иззатиллаев иштирок этди. Депутатлар Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Сессияда парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А.Аҳадов Лизинг тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Навоий вилояти Томди тумани ҳокими А.Назаров, Фарғона вилоятидаги «Қува-мебель» акционерлик жамияти бошқаруви раиси М.Исмоилов, Муборак газ конлари бошқармаси бошлиғи И.Зайниев иштирок этди. Депутатлар Лизинг тўғрисидаги қонунни биринчи ўқишда маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Сўнгра парламент Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Депутатларга уни Олий Мажлисининг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А.Йўлдошев тақдим этди. Шу қонун лойиҳаси юзасидан Фарғона вилояти Қува туманидаги Ш.Рашидов номидаги «Анор» жамоа хўжалиғи бошқаруви раиси М.Сайфитдинова сўзга чиқди. Олий Мажлис Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 25 декабрда ўз ишини давом эттирди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 25 декабрда ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сессия ишида иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Ҳалилов бошқарди.

Кўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов депутатларнинг кўриб чиқиши учун иккинчи ўқишда Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тақдим этди. Андижон вилояти Избоскан тумани ҳокими С.Бегалиев, Жиззах вилоят болалар шифохонаси бош врачси Х.Алимова, Фарғона вилояти Езёнов туманидаги 1-интернат-лицей ўқитувчиси А.Мадаинов, парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари У.Дониёров нутқидан сўнг Олий Мажлис Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Жўраев депутатларга Урмон тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди.

Шу қонун лойиҳаси тўғрисида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири А.Сунонов, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов ўз фикрини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу масала юзасидан сўзга чиқди. У мамлакатимиз ҳаётида маҳалла ўрнида аҳолининг таъкидлаб, фуқаролик жамиятини қуриш айрим хокимият вазибаларини давлат органларига аста-секин топширишни қўзда тутишини айтди.

Давлат бошлиғи ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ривожлантиришининг учта асосий йўналишини белгилаб берди. Биринчи, маҳаллий ҳаётга доир масалаларни ҳал қилиш учун бу органларга кенг вақолат бериш, иккинчидан, улар зиммасига юклатилган вазифаларни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш ва шу йўл билан уларнинг нуфузини ошириш, учинчи йўналиши, ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ.

Президент қонун лойиҳасини янги таҳририни ўзига хос жиҳатларини курсат-

ди, депутатларнинг эътиборини аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ажратилмаган маблағни тақсимлаш ишида оқсоқолларга қаролат, аҳоли коммунал хизмат ҳақини тўла тўлашини ташкил этишда юқори натижаларга эришган ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимларини рағбатлантириш бўйича кенг ҳуқуқлар беришга қаратди. Тўловларнинг юз фоиз тўлуши таъминланса, унинг бир қисмини маҳалла тасарруфи учун бериш қўзда тутилмокда.

Даромадлари бу хизматларга ҳақ тўлаш имконини бермайдиган оилаларга ёрдам курсатиш зарурлигига эътибор қаратилди. Маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашга жамоатчилик жалб этиш, фуқароларнинг сиёсий фаолигини бутун қоралар билан ошириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини барча даррадаги депутатлар иштирокида батафсил муҳокама қилиш, одамларнинг фикрини, уларнинг қатъий фуқаролик маъқимини аниқлаш мақсадаги мувофиқлиги таъкидланди.

Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди. Депутатлар Қўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдиновнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳақидаги маърузасини тингладилар ва уни биринчи ўқишда маъқулладилар.

Парламентнинг Аграр, сув хўжалиғи масалалари қўмитаси раиси Х.Тошевнинг маърузасидан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунни тасдиқладилар.

Сўнгра Олий Мажлис парламент ун учинчи сессияси котибияти раҳбари Ш.Алланазаровнинг сессия иши кунларида тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг бир қанча давлатлараро битимларини ратификация қилди, ўз вақолатларига оид бошқа айрим масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси шу билан ўз ишини якунлади.

муҳокамасига қўйишга қарор қилди.


Парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси У.Ҳошимов депутатларга Реклама тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Шу масала юзасидан Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг котиби Т.Файзуллаев, Самарқанд тумани ҳокими Р.Ҳамидов, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ҳокими Р.Сиддиқов сўзга чиқди. Депутатлар Реклама тўғрисидаги қонунни тасдиқладилар.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар курсатиш қўмитаси раиси И.Қочмарик сессияда Радиочастота спектри тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Корчақалпоғистон бўлими тил ва адабиёт институтининг бўлим муdiri Х.Ҳамидов, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ҳокими Р.Сиддиқов сўзга чиқди. Депутатлар Реклама тўғрисидаги қонунни тасдиқладилар.

Сўнгра Олий Мажлис парламент ун учинчи сессияси котибияти раҳбари Ш.Алланазаровнинг сессия иши кунларида тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг бир қанча давлатлараро битимларини ратификация қилди, ўз вақолатларига оид бошқа айрим масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси шу билан ўз ишини якунлади.



Бу ҳақда Республика Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда гапирилди

Мамлакатимиз Президентини Вазирлар Маҳкамасининг 21 декабр кунини бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқидан қишлоқ хўжалиғида ҳосилдорлик, иш унуми ва иш самараси ўсмаётганининг тўб сабаблари ҳақида гапириб хўжалиқлар раҳбарларининг онғида ҳамон боқимандалик қайфияти, бизга давлат ёрдам беради, танглик ҳолатидан унинг ўзи кутқариб қолади, деган тўшунча сақланиб қолмаётганини қаттиқ танқид қилдилар.

Чинданам боқимандалик, ўзи бўларчилиқ, изланиш ва омилкорликнинг йўқлиги қимматга тўшмокда. Буни Сирдарё вилояти мисолида кўриш мумкин.

Сирдарё вилоятида ўтаётган йилда 325 минг тонна пахта тайёрлаш режалаштирилганди. Бироқ, қўзланган доvon эгаланмади. Нега? Фикримизча, бунинг бир неча сабаблари бор. Улардан бири ер ўз эгаси қўлига берилмагани, устига-устак ширкат уюшмалари аъзоларининг қўли пул кўрмай қўйганидир. Вилоят хўжалиқларининг ишчилардан қарзи оз эмас, қўп эмас, нақд 1 миллиард 622 миллион 325 минг сўмини ташкил этади. Бундай шароитда қимнинг ҳам насияга ишлагиси келади. Биз ери бир, суви бир, шароити бир, фақат мулк шакли ўзгача бир неча жамоалар фаолиятини ўрганиб чиқдик. Узини ернинг хўжайиниман, деб ҳис қилган жамоаларда даромад ҳам, ҳосилдорлик ҳам юқори. Биргина мисол. Меҳнатобод туманидаги «Шахло» деҳқон-фермер хўжалиғи шўрқор ердан 30 центнердан хирмон кўтарди.

Ш.Рашидов туманидаги «Баҳмал» деҳқон хўжалиғи миришкорлари 1495 гектар майдонга чигит экиб мулк қўл ҳосил етиштирдилар. Ҳатто даромад ҳисобидан қишлоқ шифохонасига 7 та гилам совға қилинди. Кам таъминланган оилалар галла билан таъминланди. Пахта сотишдан катта маблағ тушиши кутилапти. Хўш, «Баҳмал»ликларнинг ютуғи нимада? Ахир, туман, қўшни хўжалиқлар ўзини эғлай олмай турганда, буларга омад ўз-ўзидан келмагандир. Бу ҳақда хўжалиқ раҳбари Раҳман Абдуллаев шундай дейди.

Биз энг аввало, сидқидилдан тер тўкиб ишлаймиз. Қолаверса, жамоани ҳам, ўзини ҳам манфаатдор қиламан, деган оилаларга ер ажратиб бердик. Йил давомида улар маблағ билан тўла таъминлаб турлиди. Чунки деҳқоннинг шу соҳадан бошқа келадиган даромад манбаи йўқ. Турмуш фаровон бўлса, ишга меҳр шуна кучаяди. Ҳар бир меҳнатчининг ўз ишидан қониқиб ҳосил қилиши учун эса энг аввало шарт-шароитлар яратиб берилиши ҳаёт тақозоси.

НАСИЯГА КИМ ИШЛАЙДИ?

Оқолтинлик деҳқон-фермер хўжалиғи раҳбари Аъзам Алиқулов 100 гектар ерда ўз хўжалигини ташкил этганди. Тадбиркорлар гагалдан 1 миллион 800 минг сўм даромад олишга муваффақ бўлишди. 55 гектар пахта майдонидан 157 тонна хирмон кўтариб, режани ошиғи билан баҳаршиди.

Хўжалигимизда 16 киши меҳнат қилади, дейди Аъзам ака. Барча қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилаяпмиз. Якунлаётган йилимиз ҳам осон кечмади. Даламизнинг бир қисмини печак босди. Тўғриси, уни тозалашга куч етмай қолди. Шунда аъзоларимиз билан кенгашиб, бир қаторни ким ўтдан тозалаб берса, 200 сўмдан ҳақ беришга қарор қилдик. Шундан сўнг муаммо ҳал этилди.

Мирзаобод туманидаги Абдурашул Назаров бошлиқ «Хумо» деҳқон-фермер хўжалиғи «Мирзачул» ширкатлар уюшмасидаги энг нобон ерда деҳқончилик қилади. Ер ариқдан анча баландда. Сув насос орқали олинади. Боз устига кулқонинг охири. Базан обиҳаёт улургача етиб келмайди. Шунга қарамай жамоа туманда биринчи бўлиб пахта сотиш режасини ба-жарди.

Қўл қийинчилигини енгиб келатган бундай уста деҳқонлар қўп. Фақатгина улар қалбига йўл топа билиш керак. Бу ҳар бир раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди. Вилоят бўйича йиллик пахта топшириш якунларига назар ташлаб, ана шу йўл қўнглигиздан ўтади. Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилган маърузаларида қишлоқ хўжалиғидаги қатор муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Аиниқса, баъзи раҳбарларнинг бошқаруви ва деҳқончиликдаги укув-сиэлиғи қимматга тўшаётганини таъкидланди. Ана шу нуктага назардан фикр юритадиган бўлсак, бир туманда, бир хил шароитда бўлган икки хўжалиқ бир-биридан анча фарқ билан ҳосил етиштираётганига ажабланмай иложинг йўқ. Хўш, туман раҳбарлари шунини билишмайдими? Билганда қандок, лекин ана шу камчиликларни йўқотиш учун уларда билим, кўнг, жон-бозлик, ташкилотчилик етишмаётир. Мурросозлик қолоқликка кўнликма ҳосил қилишга сабаб бўлмокда. Худди шундай ҳолатни бошқа туманлар хўжалиқлари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Вилоятда минглаб киши ўз тақдирини бевосита пахтачилик билан боғлаган. Уларнинг даромад манбаи, турмуш тарзи тармок истиқболига боғлиқ. Сурункали қолоқлик, ўз меҳнати маҳсулидан бебаҳра қолиш баъзи кишиларни турли соҳаларга шўнғиб кетишга мажбур қилмокда. Ўтаётган 1998 йилга ҳам катта умид боғлаган деҳқонларнинг тарвузи қўлтигидан тушиб, ер қизиб қолишди. Аслида, режалар улуг, орзулар поёнсиз эди. Бироқ ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Айб қимда? Гапнинг ростки, қўлига кетмон ушлаган миришкор борки, ёлгон гапирмайди. Ғўза парварини, йигим-терим даврларида уларнинг қўнчилиғи бош қаёқаб мулжандаги ҳосил яратилмаганлигини тан олишганди. Аммо баъзи хўжалиқ раҳбарларидан изланиш, изчиллик, ташаббус сезилмади. Базан ўтмишдан қолган «баҳарамиз», «хўп бўлади» дея жон сақлаш учун айниладиган ёлгон ваъдалардан қанчон қўтиларганимиз дея ўйланиб қолсан, киши. Бу - қолоқликдан қутулиш йўли эмас, балки ўз-ўзини алдашдир. Бундай йўл билан ислохотларни жаддалаштириш мумкин эмас. Бинобарин, иш яқини ташкил этилган хўжаликда уюшқоқлик ўрнига парокандалик, бир жойда депсиниш ҳукми суриши табиийдир.

Мана, янги 1999 йилга ҳам қадам қўйиш арафасидамиз. Ҳаммамизнинг ҳаёлимизда бир фикр: сирдаларликлар истиқболдаги йилда қолоқликдан қутила олишармикан? Гап миришкор деҳқонлар хусусида кетганда - улардан қўнглиг тўқ. Бироқ меҳнатни рағбатлантириш, миришкорнинг эъозланиш, уларга шарт-шароитлар яратиш, деҳқон-фермер хўжалиқларига кенг йўл бериш - ҳал қилувчи омил эканлигини мутасадди раҳбарлар унутмасликларни лозим.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч»нинг Сирдарё вилояти бўйича ўз мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиш кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республика истеъмол бозорига мувозанат сақланишини ва барқарор тўлдирилишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, товарларнинг айрим турларини қонунга хилоф равишда олиб кетилишининг олдини олиш мақсадида:

1. Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига белгиланган тартибда олиб келинаётган товарлардан импорт бож тўловлари ундириш 1999 йил 1 январдан бекор қилинсин.
2. «Уздавстандарт», Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги келтириладиган истеъмол товарлари сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, уларга тегишли сертификатлар ва рухсатномалар уз вақтида берилишини таъминласин.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги экспорт қилиш таъқиқлаб қўйилган товарларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиш кетиш ҳолларига чек қўйиш юзасидан қатъий чоралар қўрсин.
4. Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг кучма божхона постлари сонини кўпайтириб, қўшни давлатлар билан чегаралардаги дала йўллари ва айланма йўللар орқали товарларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиш кетиш устидан назоратни кучайтирсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта мuddатда:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда истеъмол товарларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан қонунга хилоф равишда олиб чиқиш кетганлик, шунингдек, импорт қилинадиган товарларни сотишнинг белгилаб қўйилган тартибни бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида белгиланган тартибда тақлиф киритсин; амалдаги қонунчиликни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Экспорт қилиш таъқиқланган товарларни қонунга хилоф равишда олиб кетиш ҳолларининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларини жалб этиб, аҳоли орасида кенг тўшунтириш ишларини олиб бурсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «То'варлар /миллар, хизматлар/ экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ 1871 сонли Фармониغا 5-сонли илова матнидан «сониозим» сўзи чиқариб ташлансин.

8. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 декабр.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Давлат-тижорат Халқ банкни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Халқ банки омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, унинг активлари банк фаолиятини халқроқ андозаларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Халқ банкнинг Халқ банки низоми ҳам-фармасини уч миллиард сўм миқдорига белгилаш, унинг манбааларини қуйидаги улдуша шакллантириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин:
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги /51 фоиз/ - 1,53 миллиард сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки /49 фоиз/ - 1,47 миллиард сўм.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Халқ банки ресурсларини фуқароларнинг омонатлари тула сақланишини кафолатлайдиган, дала катта бўлган, ишончли ва кўп даромад келтирадиган сарфларга жойлаштириш таъминлаш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ банкнинг Халқ банки низоми ҳам-фармасини уч миллиард сўм миқдорига белгилаш, унинг манбааларини қуйидаги улдуша шакллантириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

4. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда ушбу Фармон қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлифларни бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда ушбу Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 декабр.

«Менинг ўлкам» деган дарс машғулотлари Тошкентдаги 107-мактаб-гимназия ўқувчиларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Билим даргоҳида яқинда уюштирилган машғулот Тошкент вилояти иқтисодиёти ва экологияси масалаларига бағишланди.

ЭКОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Бунинг учун мактаб-гимназия география фани ўқув хонаси пойтахт вилояти ҳақида ҳикоя қилувчи махсус дарс ишланмасини тайёрлади. Ушбу услубий материал илмий-амалий йўсинда ёзилди. Бунда мактаб-гимназия ёш ўлкашуносларини Чирчик, Янгийўл шаҳарларига қилган сафарлари чоғида ўлкашуносликка доир тўплаган материалларидан ҳам фойдаланилди. Билим даргоҳида география фанидан уюштирилган бу ҳил таълимий тадбирлари бошқа мактабларда ҳам қўлланиладиган бўлди.

Ақбар АЛИЕВ.

Ўзбекистон-Туркия: ҳамкорлик қирралари ШЎҒБА ҚОРХОНАСИНИНГ ШАҲДАМ ОДИМИ

Ўзбек ва турк халқларининг узро дўстона алоқалари асрлар мобайнида давом этиб келмоқда. Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати боис ҳамкорлик муносабатлари янада юқори босқичга кўтарилди. Бугун Ўзбекистонда туркиялик тадбиркорлар ва ишбилармонлар томонидан очилган кўплаб қўшма ва шўъба қорхоналар фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига ўз хис-



Ақбар АЛИЕВ.



саларини қўшишмоқда. Шулардан бири «Айлин гидра санойи компани» шўъба қорхонасидир. У 1997 йилнинг 1 сентяб-ридан Охангарон туманида иш бошлади. Айни чоғда қорхона ойига 75-100 тонна лаззатли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқара оладиган, замон ва жаҳон оладалари даражасидаги техникалар билан жиҳозланган. Шу боисдан ҳам қисқа фурсатда Ўзбекистон бозорини олиб сифатли «Пикник», «Бамбино», «Кре-

мали», «Жунгли», «Адо-ра», «Суперпикник» каби 18 турдаги печенье маҳсулотлари мустахкам ўрин эгаллади. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар харидорнинг кўзини қувватлаган, замонавий этикеткалар билан қадоқлангани сабабли дукон пештахталарида тур-ри қолаётгани йўқ. Шунга қарамадан жамоа маҳсулот сифатини янада яхши-лаш, уларнинг янги хилла-рини яратиш, харидорнинг рақобатбардошли-гини ошириш борасида доимий изланишда. Чунки улар республикамиз озиқ-овқат бозорини турли хил лаззатбахш печенье-лар билан тўлдириб, ман-фаатдорлар.

Корхонада иш унумдор-лигини янада ошириш, ишчи ва хизматчиларнинг самарали меҳнат қилиш-лари учун муайян шарт-шароитлар яратилган. Мас-алан, маҳаллий халқ ёш-ларидан иборат 160 нафар ишчи-хизматчиларнинг ў-ртача ойлик маоши 8500-12500 сўм. Бундан таш-кари уларга моддий ёрдам ва муқофот пуллари ҳам берилди. Меҳнаткашлар ҳар кун 3 маҳал бепул ис-сиқ овқат билан ҳам таъминланган. Бу эса ўз навбатида ишлаб чи-қариш қувватининг янада юксалишига, иш унумдор-лигини оширишга имкон бер-моқда.

Жамоа маҳсулотларни экспорт қилиш борасида ҳам муайян ишларни олиб бормоқда. Мисол учун қорхонанинг Қозоғистон филиали маъмул бўлиб, у ерга ҳар ойда 40 тонна атрофида печенье-лар пешма-пеш жўнатиб ту-рилади.

Бундан ташқари яқин келажақда «Айлин» фир-ма тамғаси тушурилган пиширилган Марказий Осиё республикалари ва Россиянинг катта шаҳар-ларига жўнатилиши ҳам мўлжалланмоқда.

Солижон ЗОИРОВ.

Суратларда: «Айлин» шўъба қорхонасининг илгорлари.

Муаллиф олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган, муҳокама давомидда Олий Мажлис депутатлари билдирган тақлиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасини қўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети бюджет тақчиллигининг энг юқори даражаси /мақсадли фондлар бунга қирмайди/ ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 3,0 фоиз миқдоридан белгиланган ҳолда маъқуллансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамла-нишини ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, sanoatда ва қишлоқ хўжалигида тарки-бий ўзгаришларни амалга оширишга, ижтимоий сиё-сатни рўбга чиқаришга маблағлар устувор тарзда ажратилишини таъминлаш, бунда Қадрлар тайёр-лаш миллий дастурини, соғлиқни сақлашдаги исло-хотларни, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоя қи-лиш кучайтирилишини ўз вақтида ва тўлиқ молия-вий таъминлашга алоҳида эътибор бурсин;

Давлат бюджетининг тақчиллигини қоплаш учун Ўз-бекистон Республикаси Марказий банкнинг кредит-лари давлат қимматли қорғозларини жойлаштириш-дан келадиган даромадлар, давлат мулкни хусу-сийлаштиришдан олинган тушумлар ва, зарур бўлганда, пулнинг қадрсизланиши билан боғлиқ бўл-маган бошқа манбалар жалб этилишини назарда ту-тинсин;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда бюджетнинг 1999 йил биринчи чораги, би-ринчи ярим йилги ва тўққиз ойидаги ижроси якун-лари бўйича, зарур бўлганда, Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан белгиланган тақчиллиги миқдори доирасида даромадлар ва ха-ражатлар бўйича бюджетнинг асосий кўрсаткичла-рига аниқликлар киритиб бурсин;

Олий Мажлисга, қоида тариқасида, йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этилсин.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: бюджетга тўловлар барча манбалар ҳисобига тў-лиқ тушишини;

ҳаражатлар маҳаллий бюджетлардан ўз вақтида ва тўлиқ маблағ билан таъминланишини;

маблағлар белгиланган мақсадга мувофиқ фойда-ланилиши устидан қаттиқ назорат қилинишини ҳам-да маҳаллий бюджетлар ижросини йилнинг ҳар чс рагида қўриб чиқилишини таъминлашини.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўз-бекистон Республикаси Молия вазирлигига Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ялпи ички маҳ-сулот ҳажмининг бир фоизи миқдоридан кредитлар бериб бурсин.

5. Республика Давлат бюджетининг 1999 йил 1 январдаги ҳолатига қўра амалдаги тақчиллиги сум-масининг Марказий банк кредитлари ҳисобидан қоп-ланган қисми давлат ички қарзининг қўпайиши ҳи-سوبига ўтказилсин.

Белгиланган қўйилсин, 1999 йил 1 январдаги хо-латга қўра давлат ички қарзи 1999 йилдан эътибор-ан 10 йил мобайнида тенг улушлар билан респу-блика бюджети ҳисобидан тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 декабрь.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ОМБУДСМАН

Яқинда Олий Мажлис биносида Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) ҳузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркин-ликларига риоя этилиши комис-сиyasининг кенгайтирилган йиғили-ши бўлиб ўтди. Анжумани Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил Сайёра Рашидова олиб борди.

Мажлисда Инсонларнинг конституция-вий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этувчи қатор институтлар вакиллари, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ва-кил (Омбудсман) котибияти аъзолари, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қо-нун ҳужжатлари мониторинг институ-ти, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Мар-каз Олий Мажлис қўмиталарининг хо-димлари, Жамоат фикрини ўрганиш маркази, Эксперт кенгаши, Оммавий ах-борот воситалари ва нодавлат ташки-лотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борувчи ишчи гуруҳи, ҳуқуқни му-ҳофаза этувчи ташкилотлар ҳамда ўқув даргоҳларининг ходимлари иштирок эт-ди.

Сайёра Рашидова анжумани иштирок-чиларини ўзбек омбудсманнинг Парла-мент олдига тайёрлаётган ҳисоботи билан таништирар экан, жорий йилда комиссияга келган 2875 та ариза ва шик-оятлар ўрганиб чиқилганини таъкидла-ди. Шундан 800 таси назоратга олинди.

Ундан кейин комиссия аъзолари йил мобайнида амалга оширган фаолиятла-ри юзасидан ҳисобот бердилар ва Ин-сон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудс-ман) институтининг фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги тақлиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Комиссия аъзоси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ра-исининг ўринбосари Зоир Қодиров йи-ғилишда сўз олиб, шундай деди:

- Федерация кенгаши комиссия иши-да фаол қатнашмоқда. Шу боис йил мо-байнида унга тааллуқли 100 дан зиёд ариза ва шикоятлар қўриб чиқилди. Эк-спертлар гуруҳи мажлислар ва халқроқ семинарларда фаол қатнашиб, Омбудс-ман олиб бораётган ишлар ҳақида ахборотлар бердилар. Лекин айрим раҳбар-ларнинг қонунларни тула билмаслиги на-тижасида жойларда унинг ижроси талаб даражасида эмас. Масалан, ходимлар-ни таътилга чиқариш, ҳомилдор аёллар-ни ишга олиш бўйича қонун талаблари қўпол равишда бузилмоқда. Чунки кўп-лаб қорхона, ташкилот ва муассасалар-да раҳбарга бу борада ёрдам беради-ган малакали юрист йўқ. Бу борада ом-мавий ахборот воситалари имкониятла-ридан янада унумли фойдаланиш айна мuddао бўлур эди.

Ўзбекистон оммавий ахборот восита-ларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраси Хуршид Дўстмухаммад журналист ҳуқуқини му-ҳофаза қилиш муаммоси ҳақида алоҳида тўхтади.

Йиғилишда нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари бил-лан ҳамкорликда иш юритувчи ишчи гу-руҳ вакиллари инсонларнинг ҳуқуқ ва эр-кинликларини таъмин этиш борасида матбуот орқали ёритилган муаммолар ҳамда амалга оширилган ишлар юзаси-дан маълумот бердилар. Инсон ҳуқуқла-рини таъминловчи институтлар мақсад ва вазифаларининг ўзаро узилишини янада такомиллаштириш, демократик давлат қуришда жамиятимизнинг ҳуқу-қий маданиятини юксалтириш бораси-да республика жамоат фикрини ўрганиш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича мил-лий марказ ва Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторин-ги вакиллари ўз тақлифларини баён этдилар.

Бугун ҳўжалигимиз деҳқонларининг кайфияти баланд дейишга асос бор,- дейди у. - Чунки вилоятда санацияга тушган 8 та хўжалик орасида жамоамиз молиявий соғломлаштириш босқичининг илк синовларидан ўтиб, йилни муваффақиятли якунлади.

Бунга қуйидагиларни қўшимча қилиш жоиз. Чун-нончи, жамоада йилнинг дастлабки кунларидан фарқли ўлароқ ҳар бир сўмдан расамдаги фойда-ланиш ва ундан юқори са-мара олишга алоҳида эътибор қаратилганли-диққатга сазовордир. Бу - санациянинг муҳим ша-ртрларидан бирининг ба-жарилишига омил бўлди.

Фуллом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

Навоий номи жамоа хўжалиги ўн йилча илгари нафақат Жондор туманида, балки Бухоро вилояти бўйича энг дондорлардан бири саналарди. Кейинчи? У иқтисодиёти тамомила издан чиқиб даражасига тушиб қолди. Режа - топшириқлар сурункали барбод қилиниши оқибатида меҳнаткашларнинг ҳам турмуш фаровонлигига путур етди.

Танг аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини зудлик билан амалга оширишдан иборат эканлигини кўпчилик тушунарди. Шу боис ҳамма умид санациядан эди.

Республика, вилоят вакилларидан ташкил топган махсус комиссия ҳам ва-зиятга тўғри баҳо бериб маъмур хўжаликни сана-цияга тушириш ҳақидаги хулосага келди. Жамоага ташқи бошқарувчи этиб туман қишлоқ ва сув хў-жалиги бошқармасининг раҳбари Халил Ҳамроев тайинланди.

У киши тумандаги Охун-бобоев номи жамоа хўжа-лигини вилоятдаги маъш-ал хўжаликлардан бирига айлантиргани учун кўпчи-лик эътирофига сазовор бўлган эди.

Бугун хўжалигимиз деҳқонларининг кайфияти баланд дейишга асос бор,- дейди у. - Чунки вилоятда санацияга тушган 8 та хўжалик орасида жамоамиз молиявий соғломлаштириш босқичининг илк синовларидан ўтиб, йилни муваффақиятли якунлади.

Бунга қуйидагиларни қўшимча қилиш жоиз. Чун-нончи, жамоада йилнинг дастлабки кунларидан фарқли ўлароқ ҳар бир сўмдан расамдаги фойда-ланиш ва ундан юқори са-мара олишга алоҳида эътибор қаратилганли-диққатга сазовордир. Бу - санациянинг муҳим ша-ртрларидан бирининг ба-жарилишига омил бўлди.

Шу ўринда қўлга кири-тилган уюшмаларнинг меъзо-ни вазифасини ўтаган му-ҳим ҳаётий ҳужжат - меҳ-нат шартномасининг ижро-си хусусида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Ташқи бошқа-рувчи Х.Ҳамроев, хўжалик касаба уюшма қўмитасининг раиси Йўлдош Зулфи-қоров қўмита аъзолари

САНАЦИЯ БЕРГАН ИМКОНИЯТ у деҳқонларнинг ўз ишининг якуний натижасига бўлган манфаатдорлигини кескин оширди

иштирокида бу муҳим ҳуж-жат билан чўқур таниша ту-риб шундай хулосага ке-линди: Меҳнат шартнома-сининг барча бандлари сўзсиз бажарилган.

- Меҳнатни илмий асос-да ташкил этиб, дала ва фермаларда ишлаётган ки-шиларга қулай шарт-ша-роитлар яратиш, уларни

бўлди. Ушбу бригадалар-да ҳар гектар ер ҳосилдор-лиги 40-45 центнерни таш-кил этди. Пудратчилардан Шайбон Юсупова, Ойсара Йўлдошева, Ражаб Ботиро-ва, Ҳикоят Мўминовалар ўзларига бирикитилган майдонлардан 52-54 цент-нергача ҳосил олишга эришдилар. Шоира Руста-

ҳам иқтисодий, ҳам ижти-моий жиҳатдан қўллаб-қув-ватлашга қаратилган ҳа-ракатлар зое кетмади,- дейди Й.Зулфиқоров. - Буни хў-жалигимиз пахта тайёрлаш режасини туманда бири-чи-лар қаторида бажарган-лигидан ҳам билса бўлади.

Дарҳақиқат, катта жамоа муваффақияти биринчи йилдаёқ тилга тушиб қол-ди. 2180 тонна ўрнига 2422 тонналик хирмон уйган пах-такорлар белгиланган ре-жани 111 фоизга бажарди-лар. Тайёрланган ҳон ашё-нини дярли ҳаммаси юқо-ри сортларга топширилди. Пахтачиликдан олинган да-ромад 60 миллион сўмни ташкил қилди.

Ориф Тоиров, Ақром Ик-ромов, Рустам Раҳимов, Комил Ражабов бошлиқ бригадалардаги оилавий пудратчиларнинг муваффа-қиятлари бошқа участка-ларга нисбатан салмоқли

ган тантанали маросим ва сайлар деҳқонларни ян-ги ютуқларга руҳланти-риб турди. Йил давоми-да 34 та оилага касаба уюшмаси томонидан 27,2 минг сўмлик ёрдам уюш-тирилди.

3 нафар ишлаб чиқа-риш илгорлари йўлланма-лар асосида сихаттоҳлар-да бўлиб қайтган бўлса-лар, ўнлаб фахрийлар ту-ристик саёҳатларда бўл-дилар.

Тобора sanoatлашиб бораётган Хумин қишло-ғида йилига 70 минг тон-на пахтани қайта иш-лайдиган замонавий за-вод қурилиб, ишга туши-рилганлиги йилнинг энг қувончли воқеаси бўлди. Бугун завод дастоҳлари-да меҳнат қилаётган ўн-лаб ёшларни учратиш мумкин.

Хўжалик ҳудудида бир йўла 50 беморга хизмат кўрсатадиган тиббиёт маскани қурилиши ни-хосига етди.

Эндиликда хўжалик ҳу-дудида ўнлаб савдо, саб-заво тўқонлари, мада-ний-маиший хизмат нуқ-талари ишлаб турибди.

Кўриниб турибдики, Навоий номи жамоа хў-жалиги санация туфайли қаддини ростлаб, дадил одимламоқда.

Ҳа, Вазирлар Маҳқа-масида кун кеча бўлиб ўтган мажлисда таъкид-лангандек, санация до-лариб масала-муаммо-ларни ечиб берди.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Муносабат ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ

ёхуд Осиё футбол конфедерацияси нега норози?

Ониги, футболчилари мининг Таиланда ўтказилган XIII Осиё ўйинларидаги иштироки мухлисларда бир-бирига зид икки хил таассурот қолдирди. Кўпроқ ўйин кечаётган онларгагина нисбатан тезкор шарҳ беришга одатланиб қолган журналистларимиз қатор учрашувлар давомида Ўзбекистон миллий терма жамоаси имкониятларини юқори баҳолаганлари ҳолда Эрон билан бўлган баҳс жаннин «шармандали хон» деди таърифлаганликлари тасодифий эмас.

Лекин у футболимиз бўшдан кечираётган жараённинг инхиоси эканлигини тийрак мутахассисларимиз тушуниб етишди, албатта. Аслида ҳам бу натижа биз муқаддам шохиди бўлганимиз. Осиё биринчилиги ва Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида намоёниш этилган, мазмун мохиятига кўра «уртча» дейишга мумкин бўлган номасур манзаранинг тадрижий давоми эди ҳоло. Ваҳоланки, бундан тўрт йил муқаддам Хиромсимада барчан махлиб этиб голиблик шохушуга кўтаришган юртдошларимизнинг махоратию шижоатида мутаассир бўлган Хитой спорт делегацияси кўлга киритганлари кўша-кўша медаллар шодасини ўзбекистонлик футболчиларнинг биргина ушбу олтинга айирбوشлашга рози эканликларини эшитганимизда қанчалар бошимиз осмонга етганди ахир! Бугун бўлса...

Футболчиларимизга чемпионлик унвонини сақлаб қолиш насиб этмади; баҳс ярмидаёқ йўл тасоирини кўришга мажбур бўлдлар. Нега шундай ҳол юз берди? Чамаси чур ва ҳар томонлама, энг муҳими, тўри хулосага келиш учун умумий футбол ишминини хотиржам - дўпини ерга қўйиб обдон ўйлаб оладиган фурсат етганга ўхшади. Йўқ, биз у ёки бу ўйинчи терма жамоа таркибига нотўри киритилган ёхуд таркибига у ёки бу футболчи жалб қилиниши керак эди, деган ножиоз ара-

лашув ниятидан йироқмиз. Томошабинлар парда орқасидаги гап-сўзлар эмас, саҳнадаги ҳатти-ҳаракатларнинг нечоғлиқ табиий ва ишонarli чикиши қизиқтиради. Шундан завқланади ва ўз баҳосини беради.

Яна қайтариб айтмиз: қуш сўйса ҳам қассоб сўйгани маъқул. Лекин бизни ортқ даражада таажубга солаётган бир масалага оидлиқ кириштишни истаимиз: нега кейинги пайтларда терма жамоа учрашувларнинг охири дақиқаларини жуда бўш ўтказайтир? Худди шу сабабга кўра Жаҳон чемпионати саралаш қисмининг талай баҳсларида нақд очколар йўқотилди, галаблар бой берилди. Афсуски, бу касаллик XIII Осиё ўйинлари чоғида ҳам ўзини намоян этди. Қувайт ва мухлисларни бағоят ранжитган Эрон билан бўлган учрашувларни эслайлик-а! Футбол федерацияси бу ҳақда нима дейди? Чарм тўп усталаримизнинг ўзлари-чи?

Бугун мутахассисларнинг ҳам, мухлисларнинг ҳам тилида бир савол: китба ўйинлари бўлаётган бир паллада катта шов-шувга сабаб бўлган, яъни Осиё футбол конфедерациясининг ФИФА раҳбариятига йўллаган норозилик хати қандай натижа билан тугаркин? Масала анча жиддий; шунинг учунки, бу ерда гап келгуси Жаҳон чемпионатида Осиё китбасидан қанча жамоа катнашиши устидагина кетаётгани йўқ. Асосий масала Осиё футболнинг нуфузи, унинг сайёрамизда тутган ўрни, қолаверса, уч ярим миллиарддан ортқ аҳоли яшайдиган китба орияти хусусидадир. ФИФАнинг қарори эса Осиё футболга беписанд муносабатини ўзига ҳок қўришни бўлганлигини эндиликда ҳеч ким инкор этмайдди. Шундайки, янги асрнинг илк Жаҳон чемпионатини ўтказиш бахтига мушарраф бўлган Япония ва Жанубий Корейнинг майдон эгалари сифатидаги ҳуқуқлари - тўғридан-тўғри финал босқичида катнашишларини истисно қилганда, Осиё китбасидаги барча мамлакатлар бор-йўғи китбата

йўлланма учун кураш олиб боришлари даркор. Ха, бу камситиш, ҳа, бу адолатсизликдир! Ва лекин...

Францияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида Осиё китбасидан қатнашган жамоаларнинг ўта паст натижаларга эришганликлари, ягона ютуқ, бу Эрон ва АҚШ командалари учрашувида қайд этилганлиги оқибати уларок ФИФА раҳбарияти шундай қарорга келган бўлса не ажаб! Шу маънода Осиё футбол конфедерациясининг уринишлари, агар таъбир жоиз бўлса, ўйиндан ташқари ҳолат қабилида инобатга олинмаслиги ҳам мумкин. Ҳар қалай умидсизликка тушмаган ҳолда билъақс оқибатларга ҳам ҳозир турса, тўғри бўлади.

Юқорида зикр этганимиз нуқсон - сунгги сонияларда имкониятлар бой берилмаганида ва футбол жамоамизга фаранг ўлкасида тўп суриш насиб этганида, эҳтимолки ҳозир биз бундай мажбул кайфиятда мавҳум ҳаёлларга гарқ бўлиб ўтирмаймиз эдик. Шундай лаҳзаларда алоҳида олинган мамлакатнинггина эмас, бутун бир китба, қолаверса, кўрраи замин манфаатлари ҳимоя қилиниши тўғрисидаги азаллий ҳақиқатни ич-ичдан туйсан киши, беихтиёр. Рост-да, биз кимдан камми эдик!

Тақдор айтмиз: Осиё футбол конфедерациясининг норозилик хатига қандай жавоб келади, башорат қилиш қийин. Лекин бир нарса аниқ: ҳурмат - туҳфа эмас, у сотилмайди, сотиб олинмайди ҳам. Унга фақат заҳмат чекиб эришилади. Зеро, Осиё футболнинг китба жамоаларининг халқро майдондаги зарфарларига бевосита боғлиқ. Галабалар сони қанчалик салмоқли бўлса, эҳтиром ҳам шунчалик ардоқли кечади. Бунда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ҳам ўзига ҳок ва ўзига мос ўрни бўлишини истаимиз.

Зайниддин РИХСИЕВ.



Диққат, янгилик!

МИТТИ АВТОБУСЛАР ХИЗМАТИГИЗДА

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли «РАФ» ҳиссадорлик жамияти шу кунгача эски «РАФ» машиналари билан аҳолига хизмат қилиб келар эди. Эндиликда уларнинг бир қисми Туркиядан олиб келинган «Отайўл» митти автобуслар билан алмаштирилади. Чунки уюшма яқинда шундай транспорт воситасидан 100 тасини олиб келиб, шундан 30 тасини юқоридаги жамоа учун ажратди.

Мазкур автобуслар ҳайдовчи ва йўловчилар учун кўпгина қулайликларга эга. Улар кичик бўлишига қарамадан икки эшикли, 23 ўриндикли.

Келажақда жамият қошида ташкил этилган марказий устакхонада пойтахтдаги барча кичик автобуслар таъмирланиши кўзда тутилмоқда. Айни чоғда корхонанинг 6 нафар таъмирловчиси Тур-

киядда ўз малакаларини ошироқдалар. Шунинг учун мазкур автобусларга сервис хизматини кўрсатишда муаммо бўлмайди. Ундан кейин Самарқандда мўлжалланаётган мўъжаз автобуслар ишлаб чиқарилган, ушбу транспорт воситалар шу ерда олинадди. Улар учун керакли бўлган эҳтиёт қисмлар ҳам ўзимизда тайёрланади.

Янги йилдан аҳолига хизмат қиладиган бу автобусларнинг ташқи кўриниши асосан оқ рангда бўлиб, кўпгина қўшимча рангли безак берилган. Шу боис улар пойтахт хуснига-хусн кўшиши турган гап.

Суратда: янги автобуслар йўловчилар хизмати-га шай.

Ҳ.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Фаргона Давлат университети профессори Тожибой Мирзамаҳмудов ва доцент Иброҳимжон Исмоилов соя чикиндисидан оксил олиш технологиясини яратдилар. Олимларнинг илмий изланишлари «Фаргонагўшт» ҳиссадорлик жамиятида синовдан муваффақиятли ўтди.

Чиқиндидан маҳсулот

Илгари бундай маҳсулотнинг асосий қисми четдан сотиб олинарди. Бу эса олқбаса ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари таннарига таъсир кўрсатарди. Эндиликда маҳаллий шaroитда ишлаб чиқарилган оксил қондигер маҳсулотлари тайёрлашда ҳам қўл келмоқда.

Р.КАМолов, ўза мухбири

ЎҶАЎ ШИФОҲОНЯ

ва унинг ҳовлисидаги sanoat шахобчаси

«Наманган асаб касалликлари диспансери» деб ёзиб қўйилган дарвозадан ичкари кириб ҳайратландик. Адашдик шекилли, деган фикрга бордик ҳатто. Бойси ишчи кийимидаги ўннга яқин кишилар уймалашиб юришарди.

Тўғри келдингиз, - деди қорув иккаланганимизни сезиб. - Чап томонда шифохона, ўнг томонда эса «Ижодкор» корпорациясининг пилани қайта ишлаш корхонаси. Во, ажаб! Бундай антиқа ҳангома-ни ҳамма ерда ҳам учратмайсиз. Ахир асаб касалликлари шифохонаси ҳовлисида sanoat корхонаси куриш қайси ақлга тўғри келади.

Бош ҳақим ўринбосари Абдумажид Ҳамидов билан суҳбатлашамиз. У босиқ, ўз касбининг устаси эканлигини эътироф этишганди. - Адолат юзасидан айтиш керак, - дейди суҳбатдошимиз. - Сўнгги йилларда вилоятимизда қўплан-қўп янги шифо масканлари қурилиб ишга туширилди. Бироқ негадир бизнинг касалхонамиз эътибордан четда қолиб келмоқда. Дардимизни айтиб, бош уриб борманган ташкилот қолмади. Хуллас, мутасадди идоралар бир-бирига солади. Ҳозирги кунда ҳодимларимиз ўта қийин шарoитда фаолият юритишяпти.

Абдумажид аканинг қуёнганича бор. Палаталарни айланиб бунга ишонч ҳосил қилдик. Баъзи нарсаларни ёзишга қалам оғиз. Бир вақтлар кимнингдир кўрсатмаси билан алмосқодан қолган бинода асаб касалликлари диспансери жойлаштирилди. Шундан буён ободлаштириш, хоналарни таъмирлаш юзасидан бирон-бир иш олиб борилмади. Хоналарнинг подлари чиринган, қадам боссангиз лопиллайди. Беморлар дам олиш хонасида на радио, на телевизор бор. Газета ва журналлар, шахмат, шашка ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Эътиборсизлик шунчалик бўлади-ми? Ахир бу ерда азизу мўътабар инсонлар довланишяпти-ку! - Наҳотки, шунча вақт мобайнида иморатни лоақал бир маротаба таъмирлашнинг иложи бўлмаган бўлса, -сўраймиз бош ҳисобчи Раҳбархон Сатторовадан. - Ўзимиз ҳам ҳайронмиз. Қачон қараманг етишмовчилик. Муаммолар қалашиб кетди. Қатор ташкилотлардан қарзимиз бир ярим миллион сўмга етиб қолди. Бирон зарурат тугилса, телефон қилишининг ҳам иложи йўқ. Пули тўланмаганлиги учун узиб қўйилган. Саломатликка мутлақо тўғри келмайдиган яна бир ҳангома - sanoat корхонаси шахобчаси қурилганлиги кўпчиликни тўтоқтириб юборди. - Хотамтой мутасадди раҳбарларнинг калта йўлаши билан шу иш юзата чиқди. Таъкидлашларича, ўзаро тузилган шартномага кўра ўз навбатида «Ижодкор» корпорацияси шифохона учун ўзига тегишли ердан иморат қурилишига мўлжалланган ер участкаси ажратиб бериши керак эди. Лекин бу хом гап бўлиб қиқди. Табиийки, пилани қайта ишлаш жараёнлари ҳавони муайян даражада ифлослантиради. Бу беморларга салбий таъсир этмоқда.

Таъминот масаласи ҳам кўнгилдагидек эмас. Катта қозонга гўшт номигагина солинаркан. Гуруч, ёрма, гречиха каби ныматлар рўйхатдан чиқиб кетди. Шу боис бу ерда ким билан суҳбатлашманг, қўлдан-қўп эътирозларни баён этади. Чамаси бу шифо масканига Наманган вилoяти соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари яқин ўртада қадам ранжида қилмаган кўринишдади. Акс ҳолда ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган камчиликлар, корхона муаммоси бу қадар газак олиб кетмасди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

МУКАММАЛ ДАРСЛИКЛАР

Бугунги кунда Тошкент Молия институти Германиядаги қатор олий ўқув юртлири билан илмий алоқаларни йўлга қўйган. Франкфурт, Мангейм университетлари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Бундай яқин муносабат қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларининг яратилишида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. «Бозор иқтисодидаги ўтиш, иқтисодий тизим, халқро савдо, халқро молия ва солиқ» деб номланган йирик дарслик ана шу ҳамкорлик самарасидир.

Олий ўқув юртининг «Пул муомаласи ва кредит» кафедраси жамоаси ушбу ўқув адабиётига кирган «Халқро молия» ҳамда «Халқро солиқ» бўлимларини ёзиб берди. Уларни тайёрлашда доцентлардан Ш.Абдуллаева, К.Яхёевлар катнашдилар.

Кафедра олимлари кучи билан «Пул, кредит ва банклар» ўқув дарслиги босмага ҳозирланди. Ҳар иккала дарслик иқтисод ва молия ўқув юртлирида зарур адабиётлар сифатида фойдаланилади.

«ДЕЗИНТЕХ»

шўъба корхонаси

1998-1999 йилда «ПОЛИСЕПТ» ПГМГ дезинфекция қилувчи моддани етказиб бериш учун шартномалар узишнинг давом эттирди.

Ушбу препарат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсати билан Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилади. 10кг полисепт моддаси 1 тонна хлор моддасининг ўрнини босади, ҳидланмайди ҳамда 10000 кв.м сиртни тозалайди.

«Полисепт» номи қонун билан ҳимояланади. Бу номдаги маҳсулотни «Интермед» ХТМ нинг ёзма рухсатисиз ишлаштиш, қўллаш ва реклама қилиш қонун билан тақиқланади.

Қонунбузарликнинг барча кўриниши суд орқали ҳал этилади. Сотиб олиш ҳамда шартнома тузиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этинг.

Тошкент, Катортөл кўчаси, 60-уй. Телефон: 78-96-98 № MB GU 9700386.3

Шоир инъоми

Баҳром Али

Фаслим

Қолсам бўлмайдими ёнингда бир кун, Бу дунё ўзликка қайтишдир, фаслим. Эсимда ҳаммаси - ҳаммаси нечун, Наҳот танимайсан сен - менинг аслим.

Гулларим, мен сизга қуйганим озми, Дарахтлар маломат тошларин отар. Мен ҳижрон дастига бўлдимю рози, Кўксинга бир майса пичоқдай ботар.

Азобин босдилар онли чанбарлар, Фаслим не тунохлар бўлмайди унут. Гувоҳим - дарёга оқди анбарлар, Бошим узра йилгади бир парча булут.

О, фаслим, бу йўллар тўзмок, соврилмок, Қайтмогим йўқ менинг энди йўллардан. Қайтма дунёга нечун бек ўрмок, Нечун май ичмоқлик шоир қўллардан.

Табиат, сен озод куйчисан - шоир! Емгирпўш остида мен бир бегона, Узимни англашга ўзиммас қодир, Балки девонаман, мен бир - девона.

Гоҳ шодмон, гоҳ гамгин, қор майин ёғар. Йиллар ўтмишини кузатади йўл. Бир қизнинг бахтлардан эслари оғар, Бир йигит армонга узатади қўл.

Ана, кўчаларда бахт кезар сармаст, Қорлар оқ бўйнидан бўсалар оғар. Шавақ-базмлар ҳам кўнглига сизмас, Елғиз кўчаларда бир йигит қолар.

Шиддат-ла айланар соат миллари, Қизнинг юрагидай югурар олам. Йигит вақт саврига тоқат қилади, Минг йилдир яшайди армонлари ҳам.

Бир қизнинг бахтлардан айланар боши, Бир йигит армонга чўзар қўлларин. Кескайиб бормоқда йилларнинг биши, Қисқариб бормоқда умри йўлларининг.

Шўртлик

Бир кун бизни шод этган каби, Бу оламни ёритар бир шёар. Биз яшаймиз дунёда ҳали, Бизникидир шу осмон, шу ер.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасидаги ишончли раҳбари

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси - 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари - 56-52-89
Масъул қўғиб - 36-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт - 56-82-79
Ахборот ва спорт - 56-87-63
Маънавият ва маданият - 56-82-79
Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш - 56-85-43
Тикорат ва ҳуқуқ - 56-85-66
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01
Наманганда - 6-22-10
Самарқандда - 35-64-24
Фарғонада - 24-58-43
Ургачда - 6-65-46
Қаршида - 5-33-71

Гуфта 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда. Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли тундохнома берилди. ЎЗМ компьютеризация берилди да сифатлилан. Объект усулида босилди. Ўзбекистон А-2 Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босма хонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширишда 23.00.

(28 декабр - 3 январ)

- КҮЙ - Узоқ сарфларга чиқмаганингиз маъқул. Янги йилнинг дастлабки кунларида янги дастурнинг ва ҳамкиралингиз кўнглингизга соғлом оптимизм ва умид бахш этгайлар.
- Янги йил, яъни Кўён йили кирар кечасида ранглардан оч-сарик ёки ўзингиз урганган рангдан кийим кийинг.
- БУЗОК - Олдидий ташвишларни унутиб, интилаётган мансабингиз, келажакдаги режалар ҳақида бош хотиринг. Овқилни маъхубангиз, ёру-бирдорлар, отанонангизга диққат-эътиборингизни бахш этинг.
- Кийимлар рангига келсак, оч-сарикдан то олинган кий, жигар рангларни танласангиз бўлади.
- ЭТИЗКАЧАК - Ҳарфа сиз учун тасодифларга бой бўлиши. Истикболли шунинг раҳбари бўлишни тақлиф қилиш. Бир битим тўғрилик, Ишқий саргушаглар учун бу вақт мутлақо тўғри келмайди. Янги йил кечаси кийимларингиз оқ ёки қуланг, бир-бирига тафовутли рангларда бўлса, ажаб эмаски, кўён йили ўз марҳаматини сиздан аямаса.
- ҚИСКИЧАК - Ушбу давр жуда саросимларга бой бўлиши мумкин. Узингизга худда хиёли бини кўявермай, ҳаётингиздаги энг ақлий нарсаларни майда-чўдалардан ажрата билинг.
- Байрамни энг яқинларингиз билан кутганингиз бўлса, ҳали эмас. Янги йил кечасидаги сизга омад келтирувчи ранглар эса-оқ, оч сарик.
- АРСЛОН - Байрам дастурхони устида энг яқин иянтларингизни тиланг, янги йилда кўпроқ меҳнат қилишга кўч тулганг. Ўз макенингизни хизмат жойингизда ва севиқли одамларингиз олдига тиклаб оласиз.
- Бирок, шунчун унматмигиз, ҳаддан ташқари бирсузликнинг ишда ҳалал бериши мумкин. Буржингизга мос сарик, тилларанг, оч-сарик ёки ранглар жиқисини танлаб олинг.
- ПАРИЗОЛ - Ҳафтангиз дастлабки кунларида ечилган муаммолар сизга тўсқинлик қилиши мумкин. Янги 1999 йилда сиз қандай бўлишни хоҳишингизга қараб, тасаввур қилсангиз, қўлингиз бўлиши мумкин. Ору-истакларингиз рўбуга чиқини турган гап. Таъсир доиранингиз кенгай. Сизбон ранглар - оч-сарик, сарик ва оқ тусли жигарранг жўра.
- ТАРОЗУ - Ҳаётнинг ўзи ким билан янги йил қўтирингизни кўрсатиб беради. Бу хусусда эски йилнинг сўнггида қўтилганга қараб, бир битим келасиз. Келажак сизга кўпгина янгиликлар гулдастасини тайёрламоқда.
- Янги йил кирар кечасида ранглардан фариш ва парча нумарли ранглар атаб, танланган йилнинг бичимиди кийимлар сизга асқотоди.
- ЧАЕН - Сизнинг биринчи ярида моддий, уй-ҳужалик, маиший масалаларнинг муваффақиятли ечими кўтмоқда. Йилнинг боши вақтинча оилангизда ва ҳамкорларингиз адро тушунмовчиликлар, гина-қўрғатлар, келса хафа бўлмаган ва сарф жиддий ишларни январь ойининг иккинчи ўн кунлигига қолдиринг.
- Рангларни эса ўз ҳис-туйғуларингиз, хоҳишингизга ишонган равишда танласангиз, омад ёр бўлай.
- УКОТАР - Дарҳақиқат қаддама сизнинг омад кўтмоқда десақ, муболага бўлмас.
- Дўстона узвийликнинг қадрига етинг, бу сизга асқотоди. Янги йилни хоҳишингизга қараб ё уйингизда ёки дўстлар даврасида бемалол ўтказишингиз мумкин. Янги йил кечасида сизга моси - қуланг, тоқилган пулгангли ёки олдидий ранглар шўбласига монанд ранглардир.
- ТОҒ ЭЧКИСИ - Чет элга сафар қилишингиз эҳтимоли ортади. Сизнинг макенингиз ён-верингиздаги раҳбар томонидан юксак баҳоланади.
- Январнинг яримига чизолар, янги иш бошлаш, иккилар билан бахслардан йироқ бўлишга интилинг. Янги йил кечасида сизга олтин, қумуш, қуланг, оқ, оч-сарик, тафовутли ранглар асқотоди.
- ҚОВГА - Янги йилда шўх гурунларда иштирок этсангиз сизга қувонч бахш этади. Янги йил кечасидаги сиз учун омадли ранглар қуланг, қумуш, нозик ранглар, оқ бинафшаранг ва оқ ранглар чатишуви, оч-сарик ранглардир.
- БАЛИҚ - Ҳомийларингиз ёрдамида максалларингизга эришасиз. Хорижий давлатларга олди-сотиби билан борувчи «Балик-лар» эса истиқболли ёркин битимлар кўтмоқда. Янги йил рангини сизга қонинг ёки ўз қалбингиз танлаб беради.